

8-1-2019

## IMPROVING THE PRACTICE OF FINANCING REAL SECTOR ENTERPRISES THROUGH INVESTMENT LOANS

B. Toshmurodova

*Tashkent Financial institute*

S. Hakimova

*Tashkent Financial institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Toshmurodova, B. and Hakimova, S. (2019) "IMPROVING THE PRACTICE OF FINANCING REAL SECTOR ENTERPRISES THROUGH INVESTMENT LOANS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 4 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss4/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## **IMPROVING THE PRACTICE OF FINANCING REAL SECTOR ENTERPRISES THROUGH INVESTMENT LOANS**

The article emphasizes the importance of investment loaning in the economy, analysis of its current condition, the average interest rate and period of investment loans, as well as problems in the mechanism of investment loaning in commercial banks of the Republic of Uzbekistan, in addition scientific proposals and practical recommendations for their solution and improvement .

**Key words:** credit, bank, investment loan, real sector, deposit, small business, capital.

Further improvement of the monetary policy as the priority directions of the development and liberalization of the economy, as well as gradual introduction of modern market mechanisms in currency regulation, increasing the level of capitalization and deposit base of banks, strengthening their financial stability and reliability, further promoting investment projects and crediting of small businesses and private entrepreneurship, further development of international economic cooperation, including the expansion of relations with leading international and foreign financial institutions, the continuation of well-thought-out foreign debt policy, and the efficient use of attracted foreign investments and loans and others are taken into account on the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan, PD-4947 “The Actions Strategy on the Five Priorities of Development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021” on February 7, 2017<sup>1</sup>.

The role of investment loans in the economy of our country has been rising due to the reforms of the government to implement investment projects. For instance, commercial banks gave 38.8 trillion soums in 2018 to modernize, upgrade production technically and technologically, and produce competitive products based on modern technology. It was 2.4 times more investment loans than in 2017. At the same time, the investment activity of banks was focused primarily on ensuring timely and full funding of projects included in the Program of Development, Localization and Development of the Regions<sup>2</sup>.

The article of Kamilova I.Kh., which is titled "Increasing the role of commercial banks' investment loans in the development of economic sectors", emphasizes the importance of increasing loans in the economy, encouraging long-term loans for investment purposes, formation of start-up capital, modernization and technological renewal of production. Due to lack of a long-term stable resource base in banks, it is necessary to use foreign experience in banks and to ensure the investment attractiveness of securities issued by banks<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

<sup>2</sup> <http://www.cbu.uz> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сайти маълумотлари асосида

<sup>3</sup> Камилова И.Х. “Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда тижорат банклари инвестицион кредитларининг ролини ошириш” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил.

The article of Norov A.R., which is titled "Important Factors of Investment and Investment Lending in Economic Development," emphasizes the role of banks in the restructuring of the economy, modernization of production, creation of new enterprises, development of small businesses and attraction of foreign investments. Additionally, there are important introduction of modern principles and mechanisms of regulation of investment and bank investment loans, modernization and active diversification of the leading industries, achievement of reforms in the financial and banking sector<sup>4</sup>. The author also notes that GDP growth plays an important role in commercial banks' investment loans, and these loans are invested in programs aimed at modernization of the industrial sectors of the economy, the creation and development of modern infrastructure, socio-economic development of regions and job creation. financing of projects.

The results of the analysis show that the following problems have been raised in raising the role of commercial banks in the financial provision of the real sector:

1. The percent of investment loans allocated by commercial banks is high. As we know, given the fact that investment loans are mainly allocated for capital investment and expansion of production, high interest rates reduce their productivity efficiency.

2. Low share of allocated investment loans in total loan portfolio. The lack of a sustainable resource base of commercial banks shows that their formation based on the population's savings is an unstable source.

3. The underdeveloped mechanism of syndicated lending by commercial banks. The credit allocated by banks to one client does not exceed 25% of the first level capital of the bank, which reduces the practice of investment lending of banks.

4. Low profitability of commercial banks to stimulate investment lending. This reduces the effectiveness of their investment lending.

At the moment, the following measures should be taken to attract investment loans of commercial banks in the investment sector of the real sector in the country:

1. Taking measures to reduce the percentage of the compound credit while increasing the national currency. The regulated monetary policy is the principal refinancing rate. This, in its turn, leads to an increase in the percentage of concessional loans issued by commercial banks. Therefore, open market operations should be used to ensure the stability of the national currency.

2. Strengthening the resource base of commercial banks requires revision of the mechanism of involvement in compulsory reserve. In particular, the volume of mandatory reserves for the II quarter of 2019 is projected to increase to 5-6 trillion UZS.

3. It is important the establishment of special-purposed funds for lending to investment projects implementing import-substituting and export-oriented products

---

<sup>4</sup> Норов А.Р. “Иқтисодиёт ривожда инвестиция ва инвестицион кредитлашнинг муҳим омиллари”. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2017 йил.

and localization projects, their preferential lending and mortgaging on an economically viable basis;

**Б.Э.Тошмуродова**  
**ТМИ, “Молиявий менежмент” кафедраси**  
**профессори, иқтисод фанлари доктори**  
**90 114 45 55**  
**С.Р.Ҳақимова**  
**ТМИ, магистри**  
**90 946 61 91**

### **ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАР ОРҚАЛИ РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мақолада инвестицион кредитлашнинг иқтисодийдаги аҳамияти, унинг бугунги кундаги ҳолати таҳлили, ажратилган инвестицион кредитлар ўртача фоиз ставкаси ва муддати шунингдек Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида инвестицион кредитлаш механизмидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳамда такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар келтирилиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** кредит, банк, инвестицион кредит, реал сектор, депозит, кичик бизнес, капитал.

### **СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАКТИКИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА ЧЕРЕЗ ИНВЕСТИЦИОННЫЕ КРЕДИТЫ**

В статье приводится роль инвестиционного кредитования в экономике, анализ его текущего состояния, средняя процентная ставка и сроки выданных инвестиционных кредитов, а также проблемы в механизме инвестиционного кредитования в коммерческих банках Республики Узбекистан, и научные предложения, практические рекомендации по устранению и совершенствованию инвестиционного кредитования.

**Ключевые слова:** кредит, банк, инвестиционный кредит, реальный сектор, депозит, малый бизнес, капитал.

### **КИРИШ**

Бугунги кунда тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини такомиллаштириш иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, улар фаолиятини техник жихозлашга узок муддатли инвестиция лойиҳаларини кредитлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси конунчилигига кўра инвестицион кредитлар бу банклар томонидан уч йилдан кам бўлмаган муддатга асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шу жумладан, янги қурилишга, модернизациялашга, реконструкция қилишга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга берилган кредитлар ҳисобланади. Бу эса замонавий иқтисодиётда инвестицион кредитлаш муносабатларини ривожлантиришнинг аҳамиятини нечоғлиқ муҳимлигини кўрсатади. Инвестицион кредитларнинг ўзига хослиги шундаки, улар корхоналарнинг узок муддатли молиявий таъминоти ва фаолиятни амалга оширишда бевосита иштирок этади. Шу сабабли мамлакатимиз томонидан иқтисодиётдаги реал сектор корхоналарини молиявий таъминотида инвестицион кредитларни ролини ошириш борасида бир қатор муҳим амалий ишлар қилиб келинмоқда.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” [1] да иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш (3 банд) каби қатор масалаларга эътибор қаратилган.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2344-сон Қарорининг 3-бандига мувофиқ тижорат банкларига кредит портфели таркибидаги узок муддатли инвестициявий молиялаштириш улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш юзасидан берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2020 йилнинг 1 январигача узайтирилган.

Давлат томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар сабабли иқтисодиётда инвестицион кредитларнинг ўрни ошиб бормоқда. Мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорлик, корхоналар инвестицион фаоллигининг кучайиши банклар

фаолият соҳасини кенгайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кредитлаш хажмининг кўпайишига олиб келмоқда. [5] Хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадларига тижорат банклари томонидан 2018 йилда 38,8 трлн. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 2,4 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди. Бунда банкларнинг инвестициявий фаолияти устувор равишда тармоқларни ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш Дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилди. [6]

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Камилова И.Х. “Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда тижорат банклари инвестицион кредитларининг ролини ошириш” номли мақоласида иқтисодиётга ажратилган кредитлар хажмини ошириш, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар беришни рағбатлантириш муҳим аҳамиятли эканлиги келтирган бўлсада, инвестиция салоҳиятини ошириш борасида тижорат банкларида узоқ муддатли барқарор ресурс базасининг йўқлигини муаммо сифатида ўз фикрини изохлаган ҳолда, банкларда хориж тажрибасини қўллашни ҳамда банклар томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш лозимлигини келтириб ўтади. [2]


Шунингдек ушбу мавзу бўйича Норов А.Р. “Иқтисодиёт ривожидида инвестиция ва инвестицион кредитлашнинг муҳим омиллари” мақоласида иқтисодиёт тармоқларини таркибий қайта қўриш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги корхоналар барпо этиш, кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишда банклар муҳим ўрин тутишига тўхталиб ўтиб, республикамизда инвестицион кредитлар салмоғини янада оширишни таъкидлаб, инвестиция ва банк инвестицион кредитлари фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принцип ҳамда механизмларини жорий этиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини ислоҳ этишга эришилиши келтириб ўтилади. [3] Шунинг билан бир қаторда, муаллиф ЯИМ ўсиши тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳам муҳим ўрин тутишини ва ушбу кредитлар иқтисодиётнинг саноат тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириладиганлиги таъкидлаб ўтган.

Бундан ташқари, мазкур мавзу юзасидан Иғонина Л.Л. “Инвестиционные кредиты коммерческих банков в финансировании реального сектора

Российской экономики” мақоласида хулоса сифатида иқтисодиётни реал сектор корхоналарини молиялаштиришда тижорат банкларининг инвестицион кредитларини ролини оширишда, банк тизимининг капитал сифатини ва масштабини ошириш, узоқ муддатли ресурсларни шакллантириш юзасидан рағбатлантирувчи ва ҳуқуқий асосларни ҳамда иқтисодиётни реал секторига йўналтирилган инвестиция ва кредит рискларини камайтиришни ўз ичига олган комплекс механизм ишлаб чиқишни таклиф қилиб ўтади.[4]

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида реал сектор корхоналарини молиялаштиришда тижорат банкларнинг роли юқори ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодиётни асосий молиялаштириш ричаги тижорат банклар бўлганлиги сабабли, улар ўзларининг инвестицион кредитларини реал секторнинг асосий воситаларини янгилашга, ишлаб чиқариш қувватини оширишга, капитал қўйилмаларни яратишга ажратади. Сўнгги йилларда банк тизимида олиб бораётган ислохотлар банк хизматларини оммалаштиришда ва иқтисодиётда кредитларнинг ролини оширишда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Бу каби олиб борилаётган ислохотлар банк тизимида кредитлаш тизимини янада ривожлантириб, банклар томонидан инвестицион кредитлаш ҳажмини ошишига сабаб бўлмоқда. (1-расм)




1-расм. Тижорат банклари томонидан 2014-2018 йиллар оралиғида ажратилган инвестицион кредитлар ҳажми, млрд.сўм\*

\*Манба: <http://www.cbu.uz> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг сайти асосида муаллиф ишланмаси

1-расм маълумотларидан кўринадикки, 2014-2018 йиллар оралиғида тижорат банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳажми юқори ўсишга эришган бўлсада, яъни 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 2,4 баробар ошиб, 38 747 млрд. сўмни ташкил этган бўлишига қарамай ҳозирги кунда тижорат банклар томонидан ажратилаётган кредитларнинг кам улушини инвестицион кредитлар ташкил қилмоқда. Жумладан 2018 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилган инвестицион кредитларининг жами кредит қўйилмалардаги улуши 23,1 фоизни ташкил этган. Мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 2018 йил 1 январ ҳолатига 110,6 трлн. сўмга етди ҳамда кредит қўйилмаларида инвестицион кредитлар ҳажми 16 трлн. сўмни яъни 14,5 фоизни ташкил қилган.[9] Шуниси аҳамиятлики кредитларнинг ажратилиш жараёнини тезлаштириш ва соддалаштириш реал сектор корхоналарининг молиявий таъминотидаги ролини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек ҳозирги кунда асосий воситаларга киритилаётган инвестицияларда банк кредитлари ва бошқа қарз маблағларининг улуши ҳам паст кўрсаткични ташкил қилиб келмоқда. (2-расм)

2-расм маълумотларидан шуни нарсани кўришимиз мумкинки, 2012-2018 йиллар оралиғида асосий асосий воситаларга киритилган инвестициялар ҳажми кескин ошган бўлсада, яъни охириги етти йил давомида 5 баровар ошган. Бироқ ундаги банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари улушидаги ўзгариш тенг






**2-расм. 2012-2018 йиллар оралиғида асосий воситага киритилган инвестицияларда банк кредитлар ва бошқа қарз маблағлари улуши, фоизда\***

**\*Манба:** <http://www.stat.uz> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти асосида муаллиф ишланмаси

пропорционал тарзда ошмаган. Жумладан 2012 йил бу курсаткич 10 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 13% ташкил этган. 2018 йилда асосий воситага киритилган 124 231 млрд.сўм миқдоридаги инвестициянинг 22 113 млрд.сўмини ёки 18 фоизини банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ташкил этган. Замонавий иқтисодий интеграциялашув даврида бу кўрсаткич мамлакат иқтисодиётида банк инвестицион кредитларининг асосий молиявий манба эканлигини кўрсатмайди. [10] Чунки иқтисодиётни ривожлантиришда банкларнинг барқарор сектори ва уларнинг ривожланиш даражаси катта таъсир қилади, берилган маълумотларга кўра иқтисодиётни молиялаштириш кредитлаш фаолияти билан узвий боғлиқ (Масалан Европа иттифоқида 20 фоиз атрофида, АҚШда тахминан 30 фоиз).[7] Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган «Бизнесни юритиш –2019» рейтингига Ўзбекистон «Кредитлар олиш индекси» бўйича Жаҳоннинг 190 та давлати орасида 60-ўринни эгаллаган бўлиб,[8] бу эса мамлакатимиз банк тизимида кредитлаш жараёнини янада соддалаштириш ва такомиллаштириш масаласининг қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Инвестицион кредитлаш тизимидаги ҳозирги асосий масала сифатида кредит фоиз ставкаси ҳисобланади. (3-расм)

Расм маълумотларидан шуни таҳлил қилишимиз мумкинки, 3 йилдан кўп бўлган муддатга имтиёзли кредитларни ҳисобга олмаган ҳолда, ажратилган банк кредитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси муддатларига қараб ойлар бўйича ҳар хил бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан инвестицион кредитларнинг энг юкори ставкаси 3 йилдан 4 йилгача бўлган муддатда берилган кредитлар ҳисобланади. Мазкур муддатда берилган узоқ муддатли



**3-расм. Тижорат банклари томонидан 2018-2019 йиллар ойлар кесимида ажратилган инвестицион кредитларнинг ўртача тортилган фоизи ставкалари\***

\*Манба: <http://www.cbu.uz> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сайти асосида муаллиф ишланмаси

кредитларнинг паст фоизи 22 фоизни ташкил этса, юқори фоизи эса 28 фоизни ташкил этади. Шунингдек 4 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга ажратилаётган кредитлар эса 18 фоиздан 22 фоизга ажратилишини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, инвестицион кредитларнинг узок муддатга яъни 10 йилдан юқори муддатга пастроқ 16-17 фоизда ажратилганлигини кўрсакда, бироқ бу кредитларнинг асосий улушини ипотека кредит ташкил этганини айта оламиз. Бундан ташқари ҳозирги кунда тижорат банклар инвестицион лойиҳаларни имтиёзли бўлмаган банк кредитлари орқали 5-7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатларда молиялаштирмоқда.[11]

Таҳлил натижаларидан шуни айтишимиз мумкинки, иқтисодиётда тижорат банклар кредитларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда қатнашиш даражаси юқори дея олмаймиз. Замоновий иқтисодиётда тижорат банклар инвестицион лойиҳалар учун асосий таъминотчи сифатида қаралиши ҳамда бевосита иштирок этиши керак.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, таҳлил натижалари кўра реал сектор корхоналарига тижорат банкларининг инвестицион кредитларининг жалб қилишда куйидаги муаммолар мавжуд:

1. Тижорат банклар томонидан ажратилган инвестицион кредитларнинг фоизи ишлаб чиқариш самарадорлиги учун юқорилиги. Бизга маълумки инвестицион кредитлар асосан асосий воситалар, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, капитал кўйилмалар учун ажратилишини ҳисобга олсак, фоизларининг юқорилиги уларнинг кредитдан фойдаланиш бўйича самарадорликни пасайтиради.

2. Тижорат банкларида инвестицион кредитлашда барқарор ресурс базасининг мавжудмаслиги яъни банк ресурсларининг асосан омонат ҳисобига нобарқарор манба сифатида шакллантирилганлиги;

3. Тижорат банклар томонидан синдикатли кредитлаш механизмининг юқори даражада ривожланмаганлиги;

4. Инвестицион кредитлашда тижорат банкларини рағбатлантириш механизмининг етарли даражада эмаслиги;

Юқоридаги муаммоларни ечими сифатида ҳамда республикада реал сектор корхоналари инвестицион фаолиятида тижорат банкларининг инвестицион кредитларини кенг жалб қилиш ҳамда ажратиш механизмининг такомиллаштиришда куйидаги таклифларни келтиришимиз мумкин:

1. Мамлакатда миллий валютани кадрини оширган ҳолда, ажаратиладиган кредит фоизини камайтириш чораларини кўриш ҳамда миллий валютани барқарорлигини таъминлашда бошқа ноинфляцион усуллардан фойдаланиш керак. Мамлакатдаги пул-кредит сиёсатни тартибга солишда асосий рычаг қайта молиялаштириш ставкаси бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида қайта молиялаштириш ставкасини ўсишига олиб келиб, тижорат банклар томонидан бериладиган имтиёзсиз кредитларнинг фоизини оширилишига таъсир қилмоқда.

2. Импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳамда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширувчи инвестицион лойиҳаларни махсус мақсадли фонд ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш ҳамда унинг гаров таъминоти учун махсус жамғармалар ташкил этиш;

3. Узоқ муддатли ва паст фоизли хорижий банк кредит линияларини реал сектор корхоналарига тўғридан-тўғри жалб этиш механизмининг ҳамда ҳуқуқий асосини яратиш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Камилова И.Х. “Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда тижорат банклари инвестицион кредитларининг ролини ошириш” “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил.

3. Норов А.Р. “Иқтисодиёт ривожда инвестиция ва инвестицион кредитлашнинг муҳим омиллари”. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2017 йил.

4. Игонина Л.Л “Инвестиционные кредиты коммерческих банков в финансировании реального сектора Российской экономики”. “Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований”, илмий журнал №4 2015

5. Г.О.Турдиеванинг “Хўжалик юритувчи субъектлар кредит қобилияти таҳлилининг назарий ва ташкилий-услубий жихатларини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. 2018 йил 5 бет

6. Г.О.Турдиеванинг “Хўжалик юритувчи субъектлар кредит қобилияти таҳлилининг назарий ва ташкилий-услубий жихатларини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. 2018 йил 8 бет

7. D.Armeanu, C.Pascal, D.Poanta, C.A.Doia “The credit impact on the economic growth” <https://www.scopus.com/record/display.uri?eid=2-s2.0-85064711504&origin=resultslist&sort=plf-f&src=s&st1=mergers+and+acquisitions&st2=&sid=eb7fd70a4260e5b78c54edeab012abcb&sot=b&sdt=b&sl=39&s=TITLE-ABS-KEY%28mergers+and+acquisitions%29&relpos=0&citeCnt=0&searchTerm=>

8. <http://www.doingbusiness.org> сайти ҳисоботи

9. <http://www.cbu.uz> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сайти маълумотлари асосида.

10. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сайти маълумотлари асосида.

11. <http://www.cbu.uz> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сайти маълумотлари асосида.